

Миграция соҳасида 2025 йил 1 ярмида амалга оширилган ишлар тўғрисида МАЪЛУМОТ

I. Норматив ҳуқуқий базани такомиллаштириш.

а). Қабул қилинган янги ҳужжатлар - Вазирлар Маҳкамаси:

1. “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ташкиллаштирилган тартибда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор (22.04.2025 й., 252);

2. “Меҳнат миграцияси жараёнларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор (13.05.2025 й., 313-сон);

3. 2025 йил 28 майдаги 343-сон фармойиши.

4. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланди.

II. Меҳнат мигрантлари пул жунатмалари.

Жорий йил олти ойида **ҳалқаро пул ўтказмалари** миқдори **8,2 млрд.** АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йил мос даврига нисбатан **1,7 млрд.** доллар ёки **27 фоизга** ўсди (2024 йил 6 ойида-6,4 млрд).

III. Меҳнат миграцияси географиясини кенгайтириш (диверсификация).

а). **17 та** давлатга хизмат сафарлари давомида миграция соҳасида **105 та** ваколатли ташкилотлар билан музокаралар ташкил қилинди.

Қувайт, Қатар, Латвия, Литва, Россия, Венгрия, Сербия, Словения, Словакия, Хорватия, Грузия, Филиппин, Австрия, Болгария, Италия, Корея, Япония.

Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида **Европа ва Форс кўрфази давлатлари, Россия, Япония ва Корея** давлатларининг ваколатли идоралари билан **100 дан ортиқ** икки томонлама учрашувлар ўтказилди.

б). Миграция соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида **Кувайт, Франция, Италия ва Швеция** давлатлари билан миграция йўналишида ҳукуматлараро битимлар имзоланди;

стратегик ва узоқ муддатли ҳамкор давлатлар сафидан **Германия, Англия, Япония, Италия, Швеция, Болгария, Словения** ўрин олди;

илк бор **Македония, Австрия, Португалия, Нидерландия, Япония, Италия** давлатларининг йирик компаниялари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилди.

IV. Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими.

а). **25 та** давлатда (**16 таси** иқтисодий ривожланган ва **Европа** давлатлари) иш берувчиларда Ўзбекистон меҳнат бозори учун **211 минг** иш ўрни аниқланди, 1 ярим йилликда **129 та** иш берувчи билан шартномалар имзоланди.

б). **86,4 минг** фуқаролар хорижий давлатларда ишга жойлаштирилди;

фуқароларни рўйхатга олиш, ишга жойлаштириш ва бошқа хизматлар тўлиқ рақамлаштирилди;

ташкилий тартибда ишга жойлаштирилаётган фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилиш амалиёти;

камхарж фуқароларга “Ишчи виза”, йўл чиптаси, хорижий тил ва малака сертификати харажатларини компенсация қилиш хизматлари жорий қилинди;

Россия Федерацияси, Европа ва Арабдавлатларига ишга жойлаштириладиган фуқаролар учун Агентлик тўловлари бекор қилинди;

в). 45,4 минг фуқаро ташқи меҳнат бозори буюртмалари асосида хорижий тил (**11,5 минг**) ва касбларга (**33,9 минг**) ўқитилди.

“Таълим+иш” тамойили асосида Германиянинг **4 та** (Erfurt, KlettEDU, SBH, RekrutMed), Япониянинг **3 та** (Onodera, Proud partners, Office Wise), Кореянинг **1 та** (Hyundai), Болгариянинг **1 та** (Scaffolding) **халқаро ўқув марказлари 9 та** ҳудудларда ташкил этилиб, **6 та** касб ва хорижий тилга ўқитиш йўга қўйилди.

Халқаро ҳамкорлар билан Тошкент вилоятида **“Пайвандчилар мактаби”** (Эстония), Самарқандда **“Қара ҳайдовчилар мактаби”** (Латвия), Сурхондарё вилоятида **“Юк автомобили ҳайдовчилари мактаби”**ни (Япония) ташкил қилишга келишилди.

V. Меҳнат мигрантларини ҳуқуқий, моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

а). Миграция агентлигининг хориждаги ваколатхоналари томонидан **285 та** ташкилотда ишлаётган **17,4 мингдан** зиёд ватандошлар меҳнат фаолияти мониторинг қилинди;

б). Россия Федерациясида **“Миграция амнистияси” доирасида 184 маротаба** тушунтирув тадбирлари ўтказилиб, **12,7 минг** фуқаролар қамраб олинди.

в). **85 минг** ватандошга Агентлик ваколатхоналари томонидан **ахборот-маслаҳат, ҳуқуқий, ижтимоий ва моддий ёрдам хизматлари** кўрсатилди:

г). **41,7 минг нафар** хорижда юрган меҳнат мигрантларининг оилаларига “маҳалла еттиликлари” томонидан ёрдам кўрсатилган.

VI. Тарғибот ва ташвиқотлар.

а). “Хориждаиш” дастурий мажмуаси такомиллаштирилиб, хизматлар кўлами кенгайтирилди, фойдаланувчилар сони 2,4 млн.дан ошди;

б). Одам савдосига қарши курашиш бўйича **554 та** тарғибот, **560 та** сайёр йиғилишларда **89,2 минг** фуқаро қамраб олинди ва тарғибот тардбирлари амалга оширилди.

в). Миграция соҳасида фуқаролар хабардорлигини ошириш ва миграция имижини яхшилаш мақсадида, **29 та** маҳаллий ва **15 та** хорижий ОАВда миграцияга оид **5,5 минг** янгилик ва мақолаларни кенг ёритилишига эришилди.

д). Хусусий бандлик агентликлари сони **37** тани ташкил қилмоқда.